

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган умуммамлакат марафонининг Нукус-Шахрисабз йўналиши иштирокчилари йўлга чиқди.

Нукус шаҳридаги Мустиқлик майдони спорт ихлосмандлари билан гаўжум бўлди. Марафоннинг очилишига бағишланган маросимда сўзга чиққанлар Президент Илом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, хусусан Орлобўйида ҳам бу борада кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани хусусида сўз юритиб, энгил атлетикачиларга оқ йўл тиладилар. Шундан сўнг марафонга старт берилди.

Амударё тумани маркази Манғит шаҳрида марафончилари кутиб олиш маросими катта тантанага айланиб кетди. Сўнгра умуммамлакат марафони иштирокчилари Урганч шаҳрига қараб йўл олди.



ISHONCHI

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 5 апрел, чоршанба № 60 (2109)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БАРҚАРОРЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК - ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҚЎШ ҚАНОТИ

Президент Илом Каримов пойтахтимиздаги бунёдкорлик ишлари билан танишди

Мамлакатимиз истиқлолнинг ўн беш йиллик қўл-қўлга тушириш даврида демократик ҳуқуқий давлат, очик фуқаролик жамиятини барпо этиш, эркин иқтисодий ривожлантириш, муқаддас қадриятларимизга мос маънавий-маърифий юксалтириш йўлида қўйилаётган янгидан-янги қадамлар бунинг яққол далолатидир.

Залворли ютуқларимизнинг асосида юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, халқимизнинг яратувчанлик руҳи, эртанги кунга бўлган юксак ишончи мужассам. Зотан, барқарорлик ва бунёдкорлик - тараққиётнинг қўш қаноти.

Хомийлар ва шифокорлар йилда халқимиз учун муносиб турмуш шaroитини яратиш, мамлакат ободлиги ва эл-юрт фаровонлигини ошириш, жамиятимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, мурувват ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар янги, юксак босқичга кўтаришда. Иқтисодийнинг барча соҳа ва тармоқларида кузатилаётган барқарор ўсиш суръатлари, юртимизга кенг қўламада кириб келаётган инвестиция ва сармоялар, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси кундан-кунга ўзгариб бораётгани ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.

шифохоналар, равон ва қулай йўллар, кўприклар, кўрам боғу хиёбонлар барпо этиш борасида улғувор ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Илом Каримов 4 апрел куни Тошкент шаҳрида олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлик ишлари билан танишди.

Наврўз байрами кунлари

пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани Қоратош мазе-сида бир йўла учта янги ижтимоий объект - оилавий поликлиника, тикувчилик корхонаси ва маҳалла маркази ишга тушди.

55-оилавий поликлиника Қоратош, Чақар, Чорсу, Гулбозор, Хадра маҳаллаларида истиқомат қиладиган 30 мингга яқин аҳолига тиббий хиз-

мат кўрсатади. Бу ерда юздан ортик тиббиёт ходими ишлайди. Уларнинг асосий қисми оилавий шифокорлардир. Шифохона аҳолига кеча-кундуз ишлайдиган ҳаракатдаги узлуксиз бирламчи тиббий ёрдам хизмати кўрсатади. Болалар, катта ёшлилар, аёлларга тиббий хизмат кўрсатадиган хоналар, шунингдек, алоҳида ихтисослашган бўйича шифокор кабинетлари мавжуд. Улар энг замонавий компьютер техникаси ва махсус тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Масалан, стоматология хонасида Италиянинг «Фашион» фирмаси ускуналари ўрнатилган. Улар тишни оғриқсиз ва шовқинсиз даволаш имконини беради. Рентген хонасидаги «Флюороренекс» аппарати эса Россиянинг «Вимпель» заводида ишлаб чиқарилган. У бир соатда 60 кишига хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Ававалги рентген ускуналаридан фарқи ўларок, бу аппаратда плёнка ва реактивлар ишлатилмайди. Тасвир тўғридан-тўғри компьютерга кўчади ва уни оддий оқ қоғозда чиқариб олиш мумкин.



(Давоми 2-бетда)

Етакчи минбари

Давр инсонни, унинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳамда ҳуқуқларини яшончи равишда муҳофаза этишни тобора катъийроқ қилиб қўймоқда. Мухбиримиз Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмиси Кенгаши раисининг ўринбосари Ғайрат Зунуннов билан шу мавзуда суҳбатлашди.

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV курултойида касаба уюшма органлари томонидан амалга оширилаётган ҳуқуқий билимлар тарғиботи етарли даражада эмаслиги айтиб ўтилган. Мана шу ҳолатни бартароқ этиш учун қандай ишлар қилинмоқда?

— Дарҳақиқат, касаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг изчиллиги, таъсирчан-

га кўпроқ эътибор бериш зарур, деб ўйлайсиз?

— Дарҳақиқат, меҳнат муносабатлари ва меҳнат билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишда жамоа шартномаларининг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Чунки, амалдаги қонулар асосида меҳнатқашларга турли имтиёз ҳамда кафолатлар белгилашда ушбу ҳужжатнинг аҳамияти беқийсдир. Меҳнат муно-

ИЗЛАГАНГА ҲАМИША ИМҚОН ТОПИЛАДИ

лиги ва самардорлиги кўпинча етакчи ва фаолларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимдорлигига, энг муҳими, ҳаётда тугган позициясига, тадбирдорлигига ва журналистикага боғлиқ. Етакчида шундай хислатлар мавжуд бўлсагина, аъзолар ўртасида олиб борилаётган ҳуқуқий саводхонлик эгасига етиб боради. Биз айнан шундай етакчилар билан ҳамкорликда қонунчиликни мустаҳкамлашга ва уларга оғишмай риоя этилиши учун барча имкониятларни сафарбар этмоқдамиз.

Бу борадаги саъй-ҳаракатларимиз беиз кетмайпти, албатта. Лекин, шунинг афсус билан таъкидлашимиз лозимки, меҳнат қонунчилиги аксарият ҳолларда маъмурият томонидан бузилмоқда. Бунинг оқибатида меҳнатқашларнинг турли идораларга мурожаат этишлари кўпаймоқда. Қанча-қанча вақт ҳамда асаб беҳуда сарф бўлаяпти.

Масалан, Тошкент шаҳридаги «Тонг» очик акциядорлик жамияти раҳбарияти икки ёшгача фарзандлари бўлган 22 нафар ишчиларни бўлаш ҳақида ариза ёзишга мажбур этишган. Касаба уюшма ташкилотлари бунга ўзларининг катъий баҳоларини бериши ва улар ишга қайта тикланиши. «Йўловчилар» раисининг асосий қисми оилавий шифокорлардир. Шифохона аҳолига кеча-кундуз ишлайдиган ҳаракатдаги узлуксиз бирламчи тиббий ёрдам хизмати кўрсатади. Болалар, катта ёшлилар, аёлларга тиббий хизмат кўрсатадиган хоналар, шунингдек, алоҳида ихтисослашган бўйича шифокор кабинетлари мавжуд. Улар энг замонавий компьютер техникаси ва махсус тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Масалан, стоматология хонасида Италиянинг «Фашион» фирмаси ускуналари ўрнатилган. Улар тишни оғриқсиз ва шовқинсиз даволаш имконини беради. Рентген хонасидаги «Флюороренекс» аппарати эса Россиянинг «Вимпель» заводида ишлаб чиқарилган. У бир соатда 60 кишига хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Ававалги рентген ускуналаридан фарқи ўларок, бу аппаратда плёнка ва реактивлар ишлатилмайди. Тасвир тўғридан-тўғри компьютерга кўчади ва уни оддий оқ қоғозда чиқариб олиш мумкин.

— Жамоа шартномаси меҳнатқашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларининг ҳимоялашнинг асосий воситаларидан биридир. Унинг имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланиш учун нималар-

сабатларини самарали равишда тартибга солиб туриш масаласи корхона, ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномалари орқали ҳал этилмоқда.

Касаба уюшма ташкилотининг асосий мақсади меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини имкониятларининг ҳам юқори даражасини таъминлайдиган тақлифлар ҳамда мажбуриятларнинг жамоа шартномасига киритилишига эришишдир. Чунки жамоа шартномаси меҳнатқашлар хоҳиши ва иш бевураччиликнинг имконияти ўртасидаги мувозанатни белгилловчи бир ҳужжатгина эмас, балки иш бевураччилик ҳам, ишчи-хизматчиларнинг ҳам юқори даромад олишларига кўмаклашувчи бир ҳужжат бўлиши керак.

Бозор муносабатлари айна пайтда олдимизга ўз шартларини кўндаланг қилиб қўймоқда. Пойтахтимиздаги кўпгина корхона ва ташкилотлар ушбу шароитга мослашишда турли қийинчиликларга дуч келишмоқда. Бу айниқса, металлургия ва машинасозлик, энгил ва меҳел, қурилиш ва қурилиш ашёлари соноатида ва автотранспорт ва йўл ҳўжалиги тармоқларида сезилмоқда. Мазкур тармоқлардаги айрим корхоналар бозор шароитларида ҳали ўз ўринларини топишга эришганларича йўқ. Улар ишлаб чиқаришда ва тайёр маҳсулотларни харид қилишда молиявий қийинчиликларни ўз бошларидан кечиришмоқда. Натижада бизнинг олдимизда қатор муаммолар, шу жумладан, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан қарздорлик, бандлик муаммолари келиб чиқмоқда.

Шуларни инобатга олиб, корхона, ташкилот ва муассасалардаги жамоа шартномаларининг тўлиқ бажарилишига эришишда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчиларининг масъулиятини оширишимиз, уларга жамоа шартномаларини тузишда ва унинг ҳар бир бандини тўлақонли бажарилишига эришишда амалий ёрдам кўрсатишимиз, ўқитишимиз.

(Давоми 2-бетда)

КОЛЛЕЖДА ГИЛАМ Тўқилмоқда

Фарғонада ягона бўлган Марғилон миллий ҳўнармандчилик коллежида 460 нафар ўқувчи тўқуш йўналиши бўйича таълим олади.

— Ўқув жараёнида талабаларимиз шaxримиздаги уста-ҳўнармандлар тажрибаси билан ҳам яқиндан танишаётир, - дейди коллеж директори Зийёдахон Азимов.

Бу ерда ёшларни спортга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилган. Шу боис миллий кураш, энгил атлетика, стол тенниси, чим устида хоккей каби спорт турлари бўйича ўтказилган турли мусобақаларда коллеж ўқувчилари фахрли ўринларни қўлга киритмоқда.

Шаҳарнинг 2000 йиллик юбилеи афрасида ташкил этилган коллеж ва академик лицейлар ўртасидаги «Энг обод таълим муассасаси» кўрик-танловида ҳам коллеж ўқувчилари фаол иштирок этмоқда. Шунингдек, улар кулгў тўйга тўвна сифатида Марғилон маъзалари акс эттирилган гилам тўқуш ва адрасу атласларга жило бериш ишларини бошлаб юборди.

(ЎА)



«ЎзэкспоМарказ»да ўн биринчи «Соғлиқни сақлаш - ТИНе 2006», биринчи ихтисослашган Марказий Осие «Фармация - 2006» ва иккинчи «Стоматология, Ўзбекистон - 2006» халқаро кўргазмалари очилди. Уни IPE Uzbekistan ва IPE Group Plc халқаро кўргазма компаниялари, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Стоматологлар уюшмиси, «Ўзтибтехника» ва «Дори-дармон» акциядорлик компаниялари ҳамкорликда ташкил этиди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ
Тошкент шаҳри, 2006 йил 4 апрел

Фармон ва ижро КАСАНАЧИЛИК

даромаднинг ошириш манбаи

Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги 2005 йилда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришни муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузасида бугунги кунда кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши нафакат иқтисодийнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун нихоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Хўзирги кунда мамлакатимизда кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг ялли ички маҳсулот ҳажмидаги улуши 38,2 фоизни ташкил этмоқда. Иқтисодий банд бўлган аҳолининг 65 фоиздан кўпроги мазкур соҳада фаолият юритмоқда. Янги яратилаётган иш ўринларининг 85 фоизи айнан кичик бизнес ҳиссасига тўғри келмоқда.

Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини янада ошириш Президентимизнинг шу йил 5 январда қабул қилинган «Ийрик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда ҳукуматнинг ушбу Фармон ижросини таъминлашга қаратилган теягишли қарори муҳим омил бахш этмоқда.

Эндиликда иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқаришга жалб

(Давоми 3-бетда)

Фармон ва ижро

(Боши 1-бетда) Касаначилик тўғрисидаги Низомида республикада касаначиликни ташкил этиш шартлари, шунингдек, касаначилар билан меҳнат шартномаларини тузиш тартиби, уларга асбоб-ускуналар, жиҳозлар, хомашё ва материаллар бериш, меҳнатга ҳақ тўлаш ҳамда муҳофазаси қилиш, касаначиларни ижтимоий сургурта қилиш тартиби ва иш берувчилар учун белгиланган солиқ имтиёзларининг қўлланилиши устидан назорат қилиш механизми

фидан озод қилиниши белгилаб қўйилди. Бундай корхоналар жорий йилнинг 1 февралидан бошлаб беш йил муддатга, меҳнат шартномаси асосида касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилиниши ҳам белгиланган. Берилган бундай имтиёзлар, ўз навбатида, касаначилар билан шартнома асосида ишлаб чиқаришни амалга ошираётган санаят корхоналари учун рағбат-

лаштириш ва текширишлар сонини кескин қисқартириш, ҳўжалик оритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан корхоналар назорат қилувчи органлар томонидан текширилади. Фармонда касаначиларга текшириш борасида ҳам эркинлик берилган. Улар фаолияти назорат қилувчи органлар томонидан тўғридан-тўғри текширилмайдди. Бу юртмачи корхона текширилганда улар фаолияти

Яқиндагина ўзининг 70 йиллик юбилейини нишонлаган Нукус шаҳри ободонлашиб, тобора чиroy очиб бормоқда. Бу ердаги корхона, ташкилот ва муассасаларда нукусликлар фидокорона меҳнат қилмоқда. Ўшлар турли даражадаги билим даргоҳларида таълим ва тарбия олишиб, ўз юракларини бойитиб боришмоқда.

Шаҳарда истикомат қилувчи 261 минг 500дан ортиқ аҳолининг асосий қисмини моддий жиҳатдан етарли даражада таъминланганлар ташкил қилади. Лекин ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганлар ҳам йўқ эмас. Ушбу муаммони бартараф этишда шаҳар ҳокимлиги билан барча корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамкорликда ҳаракат қилмоқдалар. Бунинг эвазига янги иш ўринлари очилиб, ишсизлар сонига камайиб борапти. Утган йил даврида рўйхатга олинган 2549 нафар фуқаронинг 1543 нафари ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилди. Иш билан таъминлашга қўмақлашувчи Республика жамағармаси ҳисобидан янгидан иш ўринлари яратиш астигани бил-

Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак

сўмлик турли ёрдам пуллари берилди. Президент Фармонига асосан рўйхатга олинган ўзгалар парвариси ҳақда муҳтож 2373 нафар яққа-ёлғиз қариёга 10 миллион 995,7 миң сўмлик 9 турдаги озиқ-овқат ва но-оziқ овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Уларнинг ҳар бири 48,1 миң сўмлик моддий ёрдамдан баҳраманд

фасоллари, айниқса, бошқаларга ўрнат бўлмоқда. Бу маҳаллада 211 та кам таъминланган оила ҳисобга олинган, 9 нафар яққа-ёлғиз яшовчилар бор. Уларга жами 100,3 миллион сўм турли нафақа пуллари тарқатилган. Маҳалла гузарлари ҳокимлик билан келишилган ҳолда тузилган жадал асосида ёлғизлар, ногирон ва боқувчисини йўқотган болаларга ҳомийлик дастурини ёзилмоқда.

Шаҳарда кам таъминланган оилалар, етим-есирлар, бева-бечораларга ҳомийлик ёрдами кўрсатаётганлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Корейс миллий маданияти маркази, "Янги авлод" жамияти, "Орол ССО", "Сувоқва" корхоналари, Нукус шаҳар ирригация бошқармаси, Республика болалар шифохонаси, шунингдек, саховатпеша тadbиркор ва ишбилармонлар ҳам бундай ҳаракатдан четда қолмашмапти.

C.АВАЗОВ

КАСАНАЧИЛИК даромадни ошириш манбаи

Белгилаб берилган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Фармон ва қарор талабларига қўра, касаначиларга қатор имтиёз, қўлайлик ҳамда имкониятлар яратиб берилмоқда. Ишлар ва хизматларни бажариш учун касаначиларга асбоб-ускуналар, жиҳозлар, инвентарлар ва бошқа воситалар керак бўлади, албатта. Меҳнат шартномаси асосида корхоналар касаначиларга буюртма бўйича маҳсулот ишлаб чиқариши ва хизматлар кўрсатиши ташкил этиш учун асбоб-ускуна, жиҳоз ҳамда инвентарларни текин ёки ижара шarti билан бериш, жулладан, лизинг (молиявий ижара) асосида тақдим этиш жорий этилди.

Меҳнат шартномасига қўра буюртма бераётган корхона томонидан касаначиларга ишларни бажариш мақсадида текин фойдаланиш учун берилган асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва инвентарлар улардан фойдаланиш даврида мулк соли-

ҳам бир йўла текширилиши мумкин. Алоҳида текширишлар ўтказиб касаначилар вақтини олишга, бу билан иш унумдорлигини пасайтиришга йўл қўйилмайдди. Касаначиликни қўллаб-қувватлаш орқали ота-болалардан мерос бўлиб келатган хунармандчиликнинг қосибчилик, дурадгорлик, темирчилик, каштачилик, ипакчилик, зардузлик, дўппидўзлик каби турлари билан бир қаторда, замонавий мебелсозлик, электрон санаяти, шунингдек телекоммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиши каби иқтисодий тармоқларини ривожлантиришга эришилади. Бу эса, ўз-ўзидан давлат сийсатидagi энг муҳим шарт-ҳалқ фаровонлиги ошишига хизмат қилади.

Алишер ЭНАЗАРОВ, Давлат солиқ қўмитаси Юридик шахсларнинг мулк солиқлари бўлими бошлиғи

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили



Кейинги йилларда Чиноз туманида тиббий қизматни юқори савияга кўтариш, эл соғлигини мустаҳкамлаш йўлида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Шарафли ва шу билан бирга масъулиятли касб соҳиблари хизматидан тумандаги барча аҳоли бирдек баҳраманд бўлишмоқда.

Марказий шифохона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси тиббий-ҳодимларини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашга ҳам катта эътибор қаратмоқда.

Суратларда: марказий шифохона ҳодимлари иш фаолиятидан лавҳалар. А.АЛЛАМУРДОВ олган суратлар

Тошкент вилояти Бўстонлик тумани Давлат солиқ инспекцияси «Боқимандларни ундириш ва таҳлил қилиш шўбаси» томонидан қатор амалий ишларга қўл урилмоқда.

ТИЗИМ ШАКЛЛАРМОҚДА

— Жорий йилнинг шу пайтгача бўлган даврида юзга яқин корхона ва ташкилотларга 1240,8 миллион сўмлик боқиманда қарзлар учун огоҳлантириш талабномалари берилди, — дейди шўба мудири Гофуржон Жуманов. — Натичада уларнинг 28 тасидан 217,7 миллион сўм тўлиқ ундириб олинди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси қарори бўйича ўн кун муддатда бюджет олдидаги қарз сўмчаларини ўз вақтида тўламаган корхоналар устидан боқиманда сўмчаларини уларнинг мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш мақсадида вилоят ҳўжалик судига 31 ҳолатда даъво аризалари киритилди. Ҳўжалик суди қарорлари олингандан сўнг 15 ҳолатда корхона ва ташкилотлар томонидан 297 миллион сўм пул ундирилди.

Айни пайтда вилоят ҳўжалик суди томонидан 17 ҳолат бўйича 618,4 миллион сўмлик даъво аризалари кўриляпти.

Шуниси қувонарлики, бу борадаги камчиликлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кескин камайган. Бунга асосий сабаб қонун ҳужжатлари бўйича ҳуқуқий тарғиботнинг яхши йўлга қўйилганлигидир.

Биринга мисол бондиққ марказида. Уларга мунтазам моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Юқоридagi тadbир фикримизнинг аққол далилидир.

Шоира ШАМШИЕВА, Савдо, матлубот кооперацияси ҳодимлари ва тadbиркорлар касаба уюшмаси Сергели туман вакили

Бор бўл, оқибат!

Ота-боболаримиз азал-азалдан етим-есирлар, бева-бечоралар, дардманлар ва ногиронларга ёрдам қилини чўзиб келишган. Ҳашарлар уюштирилиб, бунёдкорлик ишлари амалга оширилган. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида бундай ҳайратли ва эзгу ишлар янада кўчаймоқда. Ўз навбатида шундай йўл билан ёшларимиз онсига юксак ижобий фазилатларни сингдиришга эришилмоқда.

ЁШЛАРНИ ҚўЛЛАГАН ФЕРМЕР

Мирзачўлиқлар «Туркистон» фермер ҳўжалиги раҳбари Омонғелди Бойевнинг номи фахру ёлтихор билан тилга олишадди. Чунки у тоғанини элдошлари билан баҳам кўрадиган саховатли ва олижаноб инсонлардан. Эсини танибдики, зироатчилик билан шуғулланди. 1992 йили у Мирзачўл туманида биринчилардан бўлиб фермер ҳўжалиги ташкил этди. Ҳозир фермер тасарруфига 130 гектар ер майдони бор. О.Бойев ўтган йили биргина пахтачиликнинг ўзидан 20 миллион сўм даромад кўрди. 83 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 29 центнердан ёки 238 тонна пахта етиштирди. Ҳалқачилиқдан эса гектарида 45 центнердан ҳосил кўтарди. Даромад 5 миллион сўмдан ошди.

Саховатли фермернинг ҳайрли ишлари жуда кўп. Ҳуусуан, қишлоғидаги 11-умумтаълим мактабини ўз оталиғига олган. Мактабин таъмирлаш учун ҳар йили маблағ ўтказиб бормоқда. Кам таъминланган оилаларнинг 10 нафар фарзандларини дарслиқлар ва ўқув анжомлари билан таъминламоқда. Утган йили олий-гоҳда ўқётган икки талабга контракт пулини ўтказиб берди. Олийҳиммат фермер куриб берган уй эвазига эса унга ёш оила бошланали бўлди.

— Ёшларни қўллаш — келажакни қўра билиш демокдир, — дейди у. — Ун икки нафар фарзандим, 31 нафар наварам бор. Барчасини уйли-жойли қилдим, олий даргоҳларда ўқутдим. Улар бўли ҳалқ ҳўжалигининг турли соҳаларда ишлашмоқда. Ҳадиси-шарифда «Сен бирни берсанг, оллоҳ сенга минггин берадди», дейилади. Зеро, бу айни ҳақиқат. Ёшларни қўллаб-қувватлаб, уларга беҳимнат ёрдам кўрсатаётган саховатли фермер О.Бойев бунга ёрқин мисол бўла олади.

Бўрибой НОРҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири

СўНИБ БОРАЁТГАН ЧўҒ

Гийҳвандлик инсоният келажакига, миллат генотондига салбий таъсир кўрсатувчи аср иллати. Насл баркамоллигига путур етказувчи «Оқ ажал» чангалига тушган кишиларнинг холи ҳароб.

Қашқадарё вилояти ҳудудда жиноятчиликка қарши кураш, ҳўқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш юзасидан кенг қамровли «Тозалаш-антигтерор» комплекс профилактик тadbири ўтказилганда гийҳванд моддалар сотиш билан боғлиқ 12 та ҳолат аниқланди. Заҳри қотил савдоси билан шуғулланаятганлардан инсон ҳаётига ҳавф солуви моддалар олиниб, боқим азим савдоси билан машғул бўлганлар устидан суриштирув ишлари олиб бориляпти.

Тиббиёт ҳодимларининг айтишларича, гийҳванд моддалар одам организмидан ишдан чиқариб, ўпка раки, ОИТС, жигар церрози, асаб руҳий касалликлар, жинсий заифлик каби хасталиқларга олиб келади. Кишиларни, айниқса, вояга етмаган ёшларни ўргинчак сингари ўз тўрига интирайётган бундай зарарли иллатга қарши кураш олиб бориш — ҳар бир кишининг муқаддас бурчи.

Вилоят наркологида диспансерда кейинги 6 ой давомида гийҳвандликка мубтало бўлган 812 нафар бемор даволанди. Уларнинг 336 нафари героин истемол қилувчилар. Навшаванд-

ини, уй жиҳозларини сотиб, пулига гийҳванд модда сотиб олди. Ҳозир ундан қавму қариндошлари, дўстлари юз ўғирган.

Шифокорлар ҳўқуқ-тартибот идоралари ҳодимлари, маҳалла оқсоқоллари ва кенг жамоатчилик қўмағида жойларда гийҳвандликка қарши тарғибот-ташвиқот ишларини қўлайтириш юборганлар. Корхона ва ташкилотлар, мактаблар, касб-ҳўнар коллежлари ва маҳалларда «Гийҳвандлик — насл заволи», «Нашавандликнинг зарари оқибатлари», «Оқ ажал чангалидан қутилиш мумкинми?», «Кашадалиқнинг саломатликка зарари» мавзусида суҳбатлар, «Тозалаш», «Усмир» каби тadbирлар ўтказилди. Қарши шахридаги 1-шифохона ҳузурида вилоят наркология диспансерига қарашли даволаш хонаси ташкил этилди. Бу ерда бемор шахси сир тутилган ҳолда муолажа олиб борилади ва унга зарур ёрдам кўрсатилади.

Инсон умрини гуриллаб турган оловга ўхшасак, гийҳвандлик касалига мубтало бўлганларни сўниб бораётган чўққа менгаш мумкин. Иссиғи ҳам, ёруғи ҳам камайиб, бир қафт куддек кераксиз нарсасга айланади. «Оқ оғу» чангалига тушган киши борки, ҳаёти барбод бўлиб, аянчли ҳолган тушиб қолади.

Иzzат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири



Бу йил Сергелидаги Республика болалар сувк-сил касалликлари санаторийси ташкил тоғанига 80 йил тўлади. Шу муносабат билан ушбу сикаттоҳда Узбекстон савдо, матлубот кооперацияси ҳодимлари ва тadbиркорлар касаба уюшма Марказий кенгаши ҳайрия тadbирини ўтказди.

— Уғил-қизларимизнинг ҳар томонлама етук, баркамол инсонлар бўлиб етишишлари учун ўз ҳиссамизни қўшишга биз ҳам бурчимиз — дейди Узбекстон савдо, матлубот кооперацияси ҳодимлари ва тadbиркорлар касаба уюшма Марказий кенгаши раиси Чори Шодиев. — Бинобарин, болаларни меҳрибон ва инсонпарвар давлатимиз, қолаверса, қалби дарё саховатли инсонлар борлигини ҳис қилиб яшашнинг ҳис қилиб яшашнинг шодлик қўриб, бизнинг ҳам кўнгилмиз ёришиб кетди. Ҳайрия тadbирини 1 миллион сўмлик озиқ-ов-

Тadbир

ган оилалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, байналмилалчи жангчилар касаба уюшмаларининг доимо диққат марказида. Уларга мунтазам моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Юқоридagi тadbир фикримизнинг аққол далилидир.

Шоира ШАМШИЕВА, Савдо, матлубот кооперацияси ҳодимлари ва тadbиркорлар касаба уюшмаси Сергели туман вакили

Инсон бир олам орзу билан яшайди. Мақсади йўлида ўқиб, изланади, келажакига мустаҳкам пойдевор қўйишга интилади. Шуниси борки, киши гоҳо ўзи тасаввур қилмаган ҳолатларга ҳам йўлиқибди. Сурхондарёлик Улуғбек Ҳудойбердиев болаликдан ҳарбий бўлишни орзу қилиб юрар, кийини қади-бастига салобат бағишлаб турган зобитларни кўрганида юраги ҳақкириб кетарди. Шунинг учун мактабни битиргач, Тошкент ҳарбий олий умумқўшин қўмондонлик билим юртияга ҳўжатларини топширди. Тиббий кўрқанда ўтди, жисмоний тарбия ва руҳий тест синовларини ҳам ортада қолди. Бирок, ўқишга кириш учун етарли балл тўплай олмади.

Ёш усмирнинг ўша пайтдаги ҳолатини тасаввур қилиш қийин эмас. Чўқайтган одам хасга ёпишадди, деганларидек, Улуғбек тиббий кўрқанда ўтаётганида танишиб қолган Фарҳод исмли кишининг уйига борди. Мабодо ўқишга кира олмаса ёрдамлашиб юборишини айтган эди-да. Уни Фарҳоднинг оғаси Олия кутиб олди. Буни қарангки, жиғини нокиқ жойда ишлашга ишора қилиб, у орқали ўқишга жойлаб қўйиши мумкинлигини, бунинг учун тезда 1200 АҚШ доллари топиб келиш лозимлигини пи-санди қилди. Ҳали шаҳарнинг паст-баландини билмаган гўр бола нима қилиб бўлсада, ўқишга кириш кераклигини ўйлаб, ҳожатбарор танишларининг таклифига дарҳол қўна қолди. Уйига бориб, бу ҳақда ота-оғасини хабардор этди. Йўлда учраган ҳамроҳлик қилмас, деган нақддан келиб чиққан катталар ўглининг сўзларига шубҳа билан қарашди. Боз устига бунча миқдордаги пул ҳозирча йўқлигини билдирилди. Бирок, ота-она учун энг аввало пул эмас, фарзанднинг бахту қамоли. Шунини ўйлашиб,

Бундай хунарларга муккасидан кетган О.Қодирова билан И.Зоҳидова мўмай маблағни қўлга кири-тиб, ўзаро бўлиб олган бўлсалар, мижозининг ишини битириб беришни ўйламади. Уни ишонтириш учун турли ёлғавдалар билан алдашди. Катта ҳаётга эндигина қадам қўяётган ёш усмирга турли найрагн ишлатишиб, аро йўлда қолдириб кетишга уринишди. Ойлар ўтса ҳамки, иш чўзилгандан чўзилверди, битишидан ҳеч дарак бўлавермади. Улуғбек бу но-лоқ кимсаларнинг найрагнча алданиб, роса сарсон бўлди. Аста-секин уни ўқишга киритиб қўяман деб, ёрдам бермоқчи бўлган шах-

Бундай хунарларга муккасидан кетган О.Қодирова билан И.Зоҳидова мўмай маблағни қўлга кири-тиб, ўзаро бўлиб олган бўлсалар, мижозининг ишини битириб беришни ўйламади. Уни ишонтириш учун турли ёлғавдалар билан алдашди. Катта ҳаётга эндигина қадам қўяётган ёш усмирга турли найрагн ишлатишиб, аро йўлда қолдириб кетишга уринишди. Ойлар ўтса ҳамки, иш чўзилгандан чўзилверди, битишидан ҳеч дарак бўлавермади. Улуғбек бу но-лоқ кимсаларнинг найрагнча алданиб, роса сарсон бўлди. Аста-секин уни ўқишга киритиб қўяман деб, ёрдам бермоқчи бўлган шах-

Ё алҳазар!

слар асли фибригбарлар эканилигини, ўзининг алдов тузоғига илтиб қолганини англади. Ҳаёт ҳақиқатидан маълумки, ёлғоннинг, макрнинг умри доимо қисқа бўлган. Ҳали турмуш тахрибасига эга бўлмаган Улуғбекка нисбатан ишлатилган фибригбарлик, тоғдай улкан гуноҳга иккиланмасдан қўл урган кимсалар қилмиши охи-оқибат яхшилик билан тугамади. Қорлар ёғиб, излар бо-силди кетмади. Айбдорлар О.Қодирова ва И.Зоҳидовларга нисбатан одил суднинг адолатли ҳукми ўқилди — улар қилмишига яраша жазо олдилар. Энг муҳими эса, жабранлувчи У.Ҳудойбердиевга етказилган моддий ва маънавий зарар тўлалиғича қопланиб, жами 1.373.278 сўм маблағ унинг ҳисобига ундириб берилди. Аммо шундай жиноятга йўл қўймаслик, унинг олдини олиш мумкин эди-ку. Касалликни даво-лагандан қўра, олдини олган ар-зал, дейдилар. Агар Улуғбек но-танис кимсаларнинг макрларига дарров ишониб кетаремганда, ота-оғаси билан маслахатлашиб, тўғри йўл тутганида юқоридagi кўнгилсизликларнинг олди олин-ган бўларди. Қолаверса, ўзи ҳам, ақиллари ҳам ўринсиз жабр че-кишмасди.

А.АБДУЛЛАЕВ, Ҳамза тумани прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТADBIRKOR ЖАНОБЛАРИ «KAFOLAT-TRAST» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

Сизларни 2006 йил 5 май соат 15.00 да суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини билан ҳамкорликда «KAFOLAT-TRAST» МЧЖ савдолар залида ўтказилаётган навбатдаги очик аудион савдоларига таклиф этади. Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар суд ижроҳисоби бўлими томонидан хатланган, «Узкитобсавдо» ДАҚга қарашли қуйидаги қўчмас мулк объектлари:

- 1.Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 42-уйдаги турар-жойнинг 1-қаватидаги майдони 104 кв.м. бўлган 53-сонли дўкон биноси.
- 2.Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 42-уйдаги турар-жойнинг 1-қаватидаги майдони 536 кв.м. бўлган 3-сонли дўкон биноси.
- 3.Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Х.Абдуллаев кўчаси, 73-уйдаги майдони 684 кв.м. бўлган 11-сонли дўкон биноси.
- 4.Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 даҳаси, Уразабоев кўчаси, 19 6-уйдаги майдони 536 кв.м. бўлган 14-сонли дўкон биноси.
- 5.Тошкент шаҳар — 2 882 600 сўм
- 6.Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 42-уйдаги турар-жойнинг 1-қаватидаги майдони 536 кв.м. бўлган 3-сонли дўкон биноси.
- 7.Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Х.Абдуллаев кўчаси, 73-уйдаги майдони 684 кв.м. бўлган 11-сонли дўкон биноси.
- 8.Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 даҳаси, Уразабоев кўчаси, 19 6-уйдаги майдони 536 кв.м. бўлган 14-сонли дўкон биноси.
- 9.Тошкент шаҳар — 14 204 710 сўм
- 10.Ушбу қўчмас мулк объектлари савдоларига қатнашиш учун ариза ва 10 фозилек закатлар пулини қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади.
- 11.Ушбу соғунага қўйилган қўчмас мулк сотилмаган тақдирда 2006 йил 8, 11, 15, 18, 22, 25, 29 май кунлари соат 15.00 да ўтказилаётган аукцион савдоларига ўтказилади.
- 12.Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Яққасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 75-уй.
- 13.Телефонлар: 115-2007, 303-3102.

«Қўчмас мулк ахборот маркази» МЧЖни устив жамағармаси 1740000 сўмдан 1725000 сўмга қамайганлигини маълум қиламиз. Мурожаат учун телефон: 1188632.



Хабарлар оқимидан

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ МАРКАЗ

Яна бир йирик ўқув-методик марказ тузилди. Мамлакатимиздаги бадий олий ўқув юртиларида юқори малакали мутахассислар тайёрлашни мувофиқлаштирувчи бу марказ Тошкент Давлат миллий рассомлик ва дизайн институти негизда иш бошлади.

ИСТЕЪДОДЛАР ҒЎСАСИ

Республикада фаолият кўрсатаятган ёш опера ижрочилари ҳамда мусиқчиларини кўлаб-қувватлаш мақсадида йирик тадбир амалга оширилди. Истеъдодли ёшларнинг мусиқий раванки билан шуғулланувчи ижодий марказ иш бошлади.

ИСТИРОХАТ БОҒЛАРИ МАВСУМГА ШАЙ

Хадемай мамлакатимиздаги маданият ва истирохат боғларида янги мавсум бошланади. Меҳнатқашларнинг дам олишларини кўнгилдагидек ўтказиш учун уларда сўнгги тайёрларни ишлари олиб беришмоқда.

А.АЛИЕВ

Спорт оламида

Шоҳмат

КАСПАРОВ ЭНДИ ФИДЕ РЕЙТИНГ-ВАРАҚАСИДА ЙЎҚ

Болгариялик Веселин Топалов 2804 балл билан илк бор ФИДЕ рейтинг-варақасининг биринчи қаторидан жой олди. Амалдаги жаҳон чемпионининг бундай нуфузга эга бўлиши унинг кейинги пайтларда турли даражадаги турнирларда яхши натижа кўрсатиб келаётгани билангина изоҳланмайди.

Тенис

ЯНА БИР ТУРНИР

Бу спорт тури муҳлислари йил бўйи ўз сеvimлиларини кузатиш имконига эга. Чунки бир турнир нихосига етиб-етмай бошқасига старт берилади. Балки шунинг учунми, гарчанд мусобақа жараёнида ўтадиған Европа чемпионатига ўзига хос тайёрларлик босқичи сифатида ҳам қаратилади.

Дюдо

ЖАҲОН СУПЕРКУБОГИ УЧУН

Тўрт қитъа, яна ҳам аниқроғи, 40 мамлакат вакиллари Москвада 8-9 апрел кунлари бўладиган йирик мусобақада ўз имкониятларини синаб кўрадилар. Бу турнир россияликлар учун майда Финляндияда ўтадиган Европа чемпионатига ўзига хос тайёрларлик босқичи сифатида ҳам қаратилади.

Бокс

ДАВЪОГАР КЎП, УНВОН БИТА

Буюк Британия вакили ҳисобланмиш ўта оғир вазни Дэнни Вильямс Европа чемпиони бўлишга биринчи давъогарлардан бири. Хозирда бу унвои италиялик Паоло Видоцага тегишли. Аммо боксчиларнинг вакиллари 26 апрелга қадар ушбу жанг шартларини келишга олмадилар, худди шу кунги ушбу унвои учун бошқа давъогарлар ўртасида танлов ўтказилади.

ИККИ ҲАФТАДАН СЎНГ

Биринчи оғир вазн тоифасида собиқ жаҳон чемпиони Василий Жиров ўзининг навбатдаги жангини 20 апрелда ўтказди. Унга қарши рингга америкалик Люк Мансен кўралиди.

Футбол

ҚИПЪАДОШЛАРИМИЗ САФАР ОЛДИДАН

Саудия Арабистони терма жамоаси Германия яшил майдонларида ер чизиб қолмаслик учун қизғин ҳозирлик кўришмоқда. Бу уларнинг чемпионат бошланғичи қадар бир эмас, еттига учрашув ўтказишни режалаштирилганларидан ҳам яққол сезилиб турибди.

МАРАДОНА — ТЕЛЕСАРҲЛОВЧИ

Германияда ўтказиладиган жаҳон чемпионати янги номлари Африка чемпиони — Миср терма жамоаси. Май ойида Маркос Пакета шогирдлари Европага йўл олдидилар. Голландияда икки учрашув ўтказгач, Жанубий Африка Республикаси ҳамда Мексика термасига қарши майдонга тушиш режалаштирилган.

ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРГА МОС

Гулистон шаҳрида янги вокзал ишга туширилди. Жаҳон андозаларига талабларига жавоб берадиган буниншоот «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик компанияси томонидан энг киска муддатда - саккиз ой ичида бунёд этилди.

Вилоят фаоллари, кенг жамоатчилик Тошкент шаҳридан темир йўлнинг махсус рейси билан келган меҳмонларни янги вокзалда қарнай-сурнайлар садоси остида тантанали қутиб олишди.

Унда сўзга чиққан

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — амалда

Яккабоғ шаҳрига қираверишда пештоқиға «Икти-содиёт коллежи» деб ёзиб қўйилган бино диққатингизни тортади. Билим даргоҳида айни пайтда 600 нафар талаба 9 йўналиш бўйича таълим олаётти. Уз атрофиға 79 нафар қасаба уюшма аъзосини бирлаштирган мазкур коллежининг фаолият юритаётганиға қўл вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамасдан, бу ерда ибратли ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш асосий масала бўлиб турган бир пайтда, малакали мутахассисларға эҳтиж ортиб бормоқда. Шу боис, коллежда бозор иқтисодиётиға ўтишда ёшларни амалий ёндашувлар орқали интеллектуал билимларни ошириш мақсадиға мувофиқ деб топилди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури коллежда ҳаётға изчил таътиб этилмоқда. Ўқувчиларға билим бериш билан бирға улар ўртасида «Энг намунали ўқув гуруҳи», «Энг яхши ўқув хонаси» кўрик-танловлари ташкил қилиниб, илғорлар рағбатлантириб борилади.

Олис қишлоқларда АЖОЙИБ ТАКЛИФ

Жиззах вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши вилоятдаги тармоқ кенгашлари ҳамда вакилликларининг туман марказидан олисдаги чекка тоғли қишлоқларда биттадан спорт майдончаси ташкил этиш тўғрисидаги таклифини маълумлади.

Бундан қўзланган мақсад — «Хомийлар ва шифокорлар йили» дастуриға мувофиқ олис қишлоқларда яшовчи аҳолини кўнгилсизликларининг олдини олиди. Бунинг учун айниқса, автобус, микроавтобус ва бошқа йўловчи ташувчи транспорт воситаларини йўлга чиқишидан олдин навбатчи механиклар томонидан сичковлик билан кўздан кечирилиши талаб этилади.

Форш туманидаги қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда олис қишлоқлардан бирида спорт майдонини ташкил этиш, дейди таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси вилоят Кенгаши раиси Е.Рустамов. — Уни тўла жиҳозлаш ҳам зинимамизда бўлади.

Вилоят қасаба уюшма ташкилотларининг бундай саховатли ишлари тўғрисида яқин кунларда Ғалларол, Бахмал, Зомин туманларининг қишлоқларида ҳам спорт иншоотлари барпо қилиниб, ўз фаолиятини бошлайди. Бу билан чекка қишлоқ аҳолисининг спорт билан мунгазам шуғулланиши туришиға кенг имконият яратилади.

А.АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири

бердилар. Шу билан биргаллик компания томонидан аълочи ўқувчиларға стипендия жорий қилинди. Айни пайтда бу ерда ўқув жараёнини юқори даражада ташкил этиш мақсадида доимий назорат ўрнатилган. Банк иши, Тижорат агенти, Статистика, Суғурта иши, Биржа фаолияти, Компьютер тармоқларини ишлатиш, Бухгалтерия ҳисоби ва аудит иختисослиги бўйича таълим олаётган ёшларға барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Коллеж қасаба уюшма кўмитаси раиси Шерзод Муродов ходимлар ва талабаларни ижтимоий муҳофаза қилишда аниқ тадбирлар ишлаб чиққан. Иқтисодиёт йўналиши бўйича таълим олаётган ёшлар бу имкониятлардан фойдаланмоқда.

ТАЛАБАЛАРГА ҚЎШИМЧА СТИПЕНДИЯ

Ш.СУЛТОНОВ, «Ишонч» мухбири Суратларда: коллеж ҳаётидан лавҳалар

ДЎППИ ТИКДИМ...

Мастураҳон Солиева дўппи тикиш бўйича Булокбоши туманидаги машҳур чеварлардан бири ҳисобланади. Мана кирк йилдики Мастураҳон ая бу кўхна халк амалий санъатининг сир-асрорларини ёшларға ўргатиб келмоқда.

2005 йилда маҳалла фуқаролар йиғини ташаббуси билан М.Солиеваға аҳолини иш билан таъминлаш фондидан 700 минг сўм миқдорда имтиёзли кредит берилган эди. Бу маблағ ҳисобига дўппи тикишға ўргатуви курси ҳақида цех ишға туширилди.

Ўтган йили тумандаги кичик бизнес корхоналарига 250 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилган. Бу ўз навбатида 400дан ортиқ янги иш ўринлари яратиш имконини берди. «Туркистон-пресс»

Долзарб мавзу

қабул қилинади. Шу асосда у ДИХХнинг рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлимиға мурожаат қилиб, у ердан юридик мақомдаги корхоналарға бериладиган давлат ракам белгилари ва қайд этиш гувоҳномасини олади. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бу жорий йилнинг 1 июниға қадар республика йўл фондиға ўтказиладиган мажбурий тўловлардан озод этилган ҳолда амалга оширилади. Шунингдек, юридик шахс мақомиға эга бўлган корхона ва ташкилотларға бериладиган лицензиялар ҳам шу йилнинг 1 майдан бошлаб янги шаклда, муҳофазаланган ҳолда чиқарилади. Лицензиялар бериш билан эса Тошкент шаҳрида

холда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланишни истамаса, у ҳолда лицензия олиш учун тўлаган маблағининг қолган қисми унга қайтариб берилади. Агар фаолиятини давом эттиришни хоҳласа, уюшмаға аъзо бўлиш вақтида бу инобатға олинади.

Агар ҳайдовчи йўловчи ташиш фаолияти билан лицензия олмаётган бўлса, унга нисбатан қандай маъмурий чоралар қўлланилади?

Янги кўринишдаги лицензияси бўлмаган ҳолда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланган ҳайдовчилар маъмурий жавобгарликка тортилади. Бунда энг кам иш ҳақининг 20 бараваридан 150 бараваригача бўлган миқдорда жарима солиш, агар маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганидан сўнг бир йил мобайнида қайта тақорланса, ҳуқуқбузарликни содир этиш воситаси сифатида транспорт воситасини мусодара қилишга қўлланади.

Хозирги кунда юқорида эслатиб ўтилган қарорлар талабларини бажариш, уларни транспорт бошқарувчиларига тушунтириш борасида тегишли ташкилотларнинг мутасадди ҳодимлари иштирокида махсус рейдлар ўтказилапти. Бу рейдлар давомида йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланётган транспорт воситаларининг техник ҳолатидан тортиб, уларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишиға рухсат берувчи ҳужжатларға текширилмоқда.

Аниқланган қамчилар бўйича бартаф этиш чоралари кўрилади. Аммо назоратни кучайтириш билангина ижобий натижаға эришиб бўлмайди. Бунинг учун, энг аввало, ҳайдовчилар хизмат кўрсатиш маданиятиға эга бўлишлари, ўз ўрнида йўловчилар ҳам намунали хизмат кўрсатиши, хусусий транспорт воситаларининг техник жиҳатдан соз, озода бўлишини талаб қилишлари лозим.

Суҳбатдош: М.РИХСИЕВ

ЙЎЛОВЧИЛАР ХАВФСИЗЛИГИ

кенг кўламда тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб боришни тақозо этади

амалга оширилиб, транспорт воситаларига давлат ракам белгилари ва қайд этиш гувоҳномалари берилади. Уюшма мутасаддилари барча ҳужжатларни тайёрлаб беришади. Хар кунги йўналишда чиқишдан олдин ҳайдовчи тегишли транспорт воситаси эса техник кўрикдан ўтказилади. Бошқача айтганда, ҳайдовчининг ҳам, транспорт воситасининг ҳам доимий назорат қилиш имконияти туғилади.

Юридик шахс мақомиға эга бўлган ҳолда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланишни истаган ҳайдовчи давлат ракам белгиларини қай тартибда олади? Шунингдек, уларға лицензия бериш тартиби қандай бўлади? Бу соҳада ҳам ўзгаришлар борми?

Бирорта автокорхона ёки юридик мақомға эга ташкилотға аъзо бўлиб, йўловчи ташиш фаолиятини йўлга қўйган ҳайдовчи билан ўша мауассаса ўртасида меҳнат шартномаси имзоланади. Ана шу шартномаға асосан ҳайдовчи транспорт воситаси билан бирға автокорхона ёки ташкилотға

ОТА-БОЛА ШИФОХОНА ҚУРДИ

Шаҳрихон тумани «Бўстон» ширкат хўжалигининг Қуруқсой қишлоғида яшовчи тадбиркор Муҳиддин Жўраев, Тошкент тиббиёт академияси битирувчиси Махмуджон Жўраев билан бирға поликлиника қуришди.

Энди Қуруқсойнинг уч ярим минг аҳолиси тиббий кўриқдан ўтиш ёки даволаниш учун туман марказиға қатнаб юрмайди. Янги тиббий масканда кундузи ётиб даволаниш учун олтига ўрин ҳам бор. Хозирча беморларни бир нафар врач ва тўрт нафар ҳамшира қабул қилапти. Келажакда яна қўшимча хоналар қуриб, педиатр, стоматолог ва гинекологни ишға олиш кўзда тутилган.

ҚАТОРАСИГА ТЎРТТА ОЛТИН МЕДАЛ

Сузиш бўйича Германияда ўтказилган Халқаро мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси иккинчи ўринни эгаллади.

Мазкур мусобақада дунёнинг турли нуқталаридан келган 35 та жамоа қатнашди. Мусобақа якуниға кўра юртдошларимиз тўққизта олтин, етти та кумуш, олти та бронза медалини қўлга киритди.

Ш. Юнусов иккита, П. Ромашин, О. Гиндосваев, Д. Ковал биттадан олтин медални қўлга киритган бўлса, М. Тўхтасинова барча рақибларини ортда қолдириб бир йўла тўртта олтин медалнинг соҳибига бўлди.

«Туркистон-пресс»

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатта олинган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда. Тиражи: 15408 Буюртма Ғ— 614 E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Қасаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонасида chop этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.